

ЖАМИЯТДА МИЛЛАТРАРО ТОТУВЛИК СИЁСАТИ - БАРКАРОРЛИК ОМИЛИ

Худойбергенова Патма Тошполатовна
Тошкент Давлат стамотология институти
“Ижтимоий фанлар биоэтика курси билан ”кафедраси доценти,
фалсафа фанлари номзоди

АННОТАЦИЯ

Хусусан, инсониятнинг ўтмиш тарихи шундан далолат берадики, урушлар - ижтимоий тараққиётнинг күшандаси, ривожланишнинг тўсиғидир. Шундай экан, миллатлараро бағрикенглик, улар орасида ўзаро хурмат ва дўстона алоқаларни ўрнатиш орқалигина дунёда барқарорлик, осойишталикни таъминлашнинг асосий омили бўлиб қолаверади. Узбекистон Конститутциясида барча миллатларнинг дини эътиодидан катъий назар тенглиги белгилаб куйилган ва амалда катъий назоратга олинган.

Ключавой сузлар: Барқарорлик, миллий зиддиятлар, миллатпаст, коррупция, тотувлик, терроризм, глобал наркобизнес, жаҳон коррупцияси, фундаментализм, экстремизм.

XXI асрда дунёда ана шу жараёнлар билан боғлиқ жиддий ўзгаришлар рўй бера бошлади. Илгари оддий фуқаролар, ҳатто мутахассислар тасаввур этолмаган ҳодисалар содир бўлиши туфайли дунёнинг сиёсий қиёфаси ўзгариб, барча давлатларда ижтимоий-иктисодий, маънавий-мафкуравий соҳаларда янги сифат ўзгаришларига сабаб бўлди.

XX асрнинг охирларида инсоният цивилизациясига янги жиддий хавфлар вужудга келди. Халқаро терроризм, глобал наркобизнес, жаҳон коррупцияси, фундаментализм, экстремизм каби ҳодисалар ҳам интеграция, глобализация, универсаллашув ва интенсивлашув жараёнларини бошдан кечирмоқда.

Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, ўтган 5 минг йил мобайнида инсоният ҳаммаси бўлиб 292 йил урушларсиз, тинчликда яшаган. Қолган вақтда 14 мингдан ортиқ урушлар бўлган ва улар 3 млд. 64 миллион кишининг ёстигини қуритган. Ушбу урушларга кетган маблағларни олтин баҳосида ҳисоблаганда қалинлиги 10 метр, эни 161 км. га тўғри келадиган ва ер шарини тўла айланиб чиқишига етадиган олтин камар ясаш мумкин эди¹.

XX асрда рўй берган жаҳон урушларининг биринчиси 10 млн., иккинчиси эса 60 млн. дан ортиқроқ кишининг ҳалок бўлишига, миллионлаб кишиларнинг бошпанасиз қолишига, минглаб шаҳар ва қишлоқларнинг вайрон бўлишига, пировард натижада эса инсоният ҳаётида улкан йўқотишларга сабаб бўлди. Маълумотларга қўра, ер юзидағи икки юзга яқин давлатда 7 миллиард 700 миллион кишини ташкил этадиган, 7000 тил ва лаҳжада гаплашадиган аҳоли истиқомат қилмоқда. Жаҳоннинг этник харитасига эътибор берсак, бугунги кунда дунёда миқдоран бир неча юзтадан тортиб бир неча юз миллионни ташкил этадиган 2000 га яқин ҳар хил миллат ва элатлар яшаётганинг гувоҳи бўламиз. Шундай экан, миллатлараро бағрикенглик, улар орасида ўзаро хурмат ва дўстона алоқаларни ўрнатиш орқалигина дунёда барқарорлик, осойишталикни таъминлашнинг асосий омили бўлиб қолаверади. **Бугун дунёning мафқуравий манзараси соат сайн эмас, ҳар лаҳзада ўзгариб бормоқда.** Худдики, дайди шамолни қўлга ўргатиш дунёдаги айrim миллатпараст гурухлар фаоллашуви, сунний ва шиа ўртасидаги мазҳабпарастлик, муросасизлик каби бекарор вазиятнинг ким ва қайси томонга оғиб кетаётгани билишдан кўра осонроқдек.

Биз яшаётган, авлодларимиз яшайдиган Ер сайёраси унлаб миллатларнинг умумий уйидир. “**Ҳар кандай миллат, - дейди И.А.Каримов, - у накадар кичик булмасин инсониятнинг бойлигидир ва ҳар кандай миллий бирликнинг, унинг тил, маданий ва бошка хусусиятларининг йук булиб кетиши Ер юзасидаги маданий ва генетик фонднинг, шахс имкониятларининг кашшоклашувига олиб келади.**” “Фоя бир мамлакатнинг узига таалукли булса, уни миллий гоя дейиш мумкин” ёки “Ватаннинг илгор кишилари томонидан ишлаб чикиладиган ва хеч булмаганда, фукароларнинг купчилиги томонидан куллаб -куватланадиган гояларга миллий ёки умунилий гоялар дейилади”, - деган карашлар шулар жумласидандир.

Миллий сиёсатимизнинг асосий максади кишларнинг этник ва бошка белгилардан катъи назар, ягона Узбекистон ҳалки сифатида жиплашуви ва миллатлараро тотувликга асосланган бирлигига эришишдир. Миллатларо тотувлик эса миллий истиклол мафқурасининг асосий гояларидан бири булиб, муаяйн худуд, давлатда турли миллат вакилларининг тинчликда хамжихат яшаши, хамкорликда фаолият юритиши, узаро ахил муносабатларда булишини англатади.

Маълумки, сўнгги йилларда айrim сиёсий кучлар томонидан миллатларо келишмовчиликларни келтириб чиқариш, улар орасида адоват уйғотиш орқали давлатларни бўлиб ташлаш, бекарорликни келтириб чиқариш ҳолатлари учрамоқда. Ушбу келишмовчиликларни келтириб чиқаришда, дин омилидан

фойдаланилаётгани янада аянчли оқибатларни келтириб чиқаришга сабаб бўлмоқда. Самовий динларнинг манбаларига мурожаат қилсак, уларнинг барчасида инсоният бир ота ва бир онадан тарқалганлик ғоясини кўришимиз мумкин. Хусусан, ислом таълимотига кўра, бутун башарият жинси, ирқи, ранги, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, барчаси баробардир. Бу борада Расулуллоҳ (алайҳис-салом) ўзларининг муборак бир ҳадисларида: “**Инсонлар тароқ тишлари каби тенгдирлар. Арабнинг бошқа халқлардан, оқнинг қорадан, эркакнинг аёлдан устунлиги йўқ. Фақат, тақвода холос**”, деб марҳамат қилганлар.

Қуръони карим «Рум» сураси 22-оятига кўра, одамларнинг тили ва рангидаги фарқлар Худонинг мўъжизаларидандир. Дунёдаги турли-туманлик Яратганнинг иродаси ва ҳикмати билан боғлиқ. Аллоҳ дастлаб одамзотни бир ота ва бир онадан яратди, сўнgra уларни турли миллат ва элат ҳамда халқларга ажратишни ирова қилди. Бу борада Қуръони каримда шундай дейилади: “**Эй, инсонлар! Дарҳақиқат, Биз сизларни бир эркак (Одам) ва бир аёл (Хавво)дан яратдик ҳамда бир-бирларингиз билан танишишингиз учун сизларни (турли-туман) халқлар ва қабила (элат)лар қилиб қўйдик**” (Хужурот, 13). Бундай ранг-баранглиқдаги ҳикмат эса, умумий фаровонлик йўлида халқлар бир-бирлари билан мусобақа қилмоқлари, ҳамжиҳат ва иноқ яшамоқлари, ҳамда ижтимоий, иқтисодий, маданий ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик қилиб ўз ютуқларини бир-бирлари билан баҳам кўришларида намоён бўлади.

Динларнинг турли-туманлиги “**Агар Раббингиз хоҳласа эди, Ер (юзи)даги барча кишилар ёппасига имон келтирган бўлур эдилар. Бас, Сиз одамларни мўмин бўлишларига мажбур қиласизми?!**” (Юнус, 99), дейилган ояти карима асосида Яратган томонидан ўрнатилган экан, уни бекор қилиш ёки ҳаммани бир дин байроби остида зўрлаб бирлаштириш мумкин эмас. Қуръони каримнинг бошқа бир оятида: “(Эй, Мухаммад!) Сиз ўзингиз суйган кишиларни ҳидоят қила олмайсиз, лекин Аллоҳ ўзи хоҳлаган кишиларни ҳидоят қилур. У ҳидоят топувчиларни яхши билувчиdir” (Қасас, 56) деб марҳамат қилинган. Бундан, ислом динига киритишда, ҳаттоки, Пайғамбар (алайҳис-салом) ҳам ўзлари истаган кишиларни кирита олмасликлари, балки, бу Аллоҳ таолонинг ҳукмида экани келиб чиқади.

Исломда эътиқод эркинлиги аниқ қайд қилиб қўйилиши баробарида бошқа диёнатларнинг барча ибодатхоналари ҳимоя ва мудофаа қилиниши, динлардаги ихтилофлар қотиллик ва адватга сабаб бўлмаслиги, яхшилик, силаи раҳмдан тўсмаслиги каби ахлоқ масалалари ҳам батафсил баён қилинган.

Таъкидлаш лозимки, ҳар бир диннинг ўзига хос ақидалари мавжуд. Улар баъзан бир-бирига мутаносиб бўлса, баъзан бир-бирига зид ҳам келиши мумкин. Диний бағрикенглик ана шу хилма-хиллик асосида келиб чиқиши мумкин бўлган низоларнинг олдини олади, турли эътиқодларнинг ёнма-ён ва бир пайтда мавжуд бўла олиши учун хизмат қиласи. Ўзбекистон ўзининг неча минг йиллик бағрикенглик анъанаси шарофатидан нафақат минтақада балки дунё халқларининг тинчлиги ва омонлиги учун намуна бўлиб келмоқда.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ: (REFERENCES)

1. Gapparovna, Sattorova Dildor, and Xudaybergenova Patma Toshpulatovna. "IMPROVING THE QUALITY OF MEDICAL SERVICES IN IMPROVING THE GENE POOL OF THE POPULATION IN OUR COUNTRY." Galaxy International Interdisciplinary Research Journal 9.10 (2021): 138-141.
2. Худойбергенова, Патма Тошпулатовна. "КАЧЕСТВА НЕОБХОДИМЫЕ ДЛЯ ВРАЧЕЙ ДЛЯ РАЗВИТИЯ ДОВЕРИТЕЛЬНОГО ОТНОШЕНИЯ ПАЦИЕНТА К ВРАЧУ." Новости образования: исследование в XXI веке 1.5 (2022): 646-648.
3. Худайбергенова, Патма Ташпулатовна. "ОБРАЗ МАВЛОНО ДЖАЛОЛИДДИНА РУМИ В КОНТЕКСТЕ ГУМАНИСТИЧЕСКИХ ТРАДИЦИЙ ВОСТОКА И МУСУЛЬМАНСКОЙ БИОЭТИКИ." Гуманитарный трактат 33 (2018): 28-30.
4. Умарова, Дилярам Арифовна, and Патма Ташпулатовна Худайбергенова. "РОЛЬ ГРАЖДАНСКОГО ОБЩЕСТВА В РЕШЕНИИ ПРОБЛЕМ ГУМАНИЗАЦИИ МЕДИЦИНЫ." Гуманитарный трактат 97 (2020): 25-28.
5. Худойбергенова, П. Т. "ЎЗБЕКОНА ТУРМУШ ТАРЗИДА БЎШ ВАҚТДАН ФОЙДАЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ." Инновационные исследования в современном мире: теория и практика 2.11 (2023): 51-55.
6. Мухамедова, Замира Мухамеджановна, and Патма Ташпулатовна Худайбергенова. "ОТНОШЕНИЯ ВРАЧ-ПАЦИЕНТ В МЕДИЦИНСКОЙ ЭТИКЕ АЛ РУХАВИ И АЛ РАЗИ." Гуманитарный трактат 21 (2018): 35-37.
7. Khudaybergenova, R. T. "UZBEKISTAN: ETHNO CULTURAL IDENTITY AND TOLERANCE UNDER CONDITIONS OF GLOBALIZATION." Социосфера 4-2 (2013): 52-54.
8. Худойбергенова, П. Т. "БУГУНГИ КУНДА ЁШЛАРНИНГ ОНГИ ВА ҚАЛБИНИ ЭГАЛЛАШДА ИНТЕРНЕТ ОРҚАЛИ КИЛИНАЁТГАН МАФКУРАВИЙ ХУРУЖЛАР." Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences 3.2 (2023): 683-687.